

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ХУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АББОСХОНОВ ТОИРХОН ХАСАН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.11. – Парламент ҳуқуқи

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy**  
**(PhD)**

**Аббосхонов Тоирхон Хасан ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш  
.....3

**Аббосхонов Тоирхон Хасан угли**

Совершенствование организационно-правовых основ информационно-аналитического обеспечения палат Олий Мажлиса Республики Узбекистан  
.....29

**Abboskhonov Toirkhon Khasan ogli**

Improvement the organizational and legal foundations of information and analytical support of the chambers of the Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan .....53

**Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати**

Список опубликованных научных работ

List of published scientific works.....57

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

**АББОСХОНОВ ТОИРХОН ХАСАН ЎҒЛИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ПАЛАТАЛАРИ  
ФАОЛИЯТИНИ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ТАЪМИНЛАШНИНГ  
ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

12.00.11. – Парламент ҳукуки

**юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/Yu292 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус, (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<https://tsul.uz/uz/fan/avtoreferatlar>) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Ҳакимов Раҳим Расулжонович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Отахонов Фозилжон Хайдарович,**  
юридик фанлар доктори, профессор

**Ширинов Джаҳонгир Джаббарович,**  
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.07/30.12.2019.Yu.22.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил 12 март соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36; факс: (99871) 233-37-48, e-mail: [info@tsul.uz](mailto:info@tsul.uz)).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1029-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил «25» февралда тарқатилди.

2022 йил «25» февралдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



**И.Р. Беков,**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раисининг ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор;

**Б.А. Нариманов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент в.б.;

**Ш.А. Сайдуллаев,**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раисининг ўринбосари, юридик фанлар номзоди, профессор.

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда парламентлар инсон ва унинг манфаатларига йўналтирилган ислохотларни илгари суриш бўйича муҳим функцияларга эга бўлган олий давлат ҳокимияти органидир. Хусусан, БМТ Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида қабул қилинган 70-сон резолюциясига<sup>1</sup> мувофиқ 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг 17 та Барқарор ривожланиш мақсадлари белгиланган. Жумладан, камбағалликни қисқартириш, таълим ва тиббиёт сифатини ошириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, одил судлов ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш масалалари БМТга аъзо мамлакатларнинг энг олий мақсадига айланган. Мазкур мақсадга эришишда, таъкидланганидек, парламентлар ва уларнинг ёрдамчи органлари асосий ролни ўйнайди.

Жаҳонда давлат ҳокимияти тизимида парламентларнинг ролини ошириш, уларнинг давлат бошқарувидаги ваколатларини янада кенгайтириш, қабул қилинаётган қонунларнинг амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтиришга йўналтирилган ҳолда қонун ижодкорлиги фаолияти сифатини тубдан ошириш масалаларига муҳим илмий-амалий аҳамият касб этадиган тадқиқот йўналиши сифатида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда сўнгги беш йилда Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат ҳокимияти тизимида Олий Мажлиснинг ролини ошириш, унинг мамлакат ички ва ташқи сиёсатига оид муҳим вазифаларни ҳал этиш ҳамда ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент назоратини амалга ошириш бўйича ваколатларини янада кенгайтириш бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2021 йил якунида илгари сурилган **Янги Ўзбекистоннинг таракқиёт стратегияси** мазкур ислохотларнинг мантикий давоми сифатида кейинги беш йил учун улкан марраларни олди. Бу муҳим концептуал ҳужжатда ислохотларнинг узвийлиги ва давомийлигини таъминлаш мақсадида **«Ҳаракатлар стратегиясидан – Таракқиёт стратегияси сари»** деган тамойил асосий ғоя ва бош мезон сифатида кун тартибига қўйилди.

Инсон кадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш йўналиши доирасида парламент палаталарининг давлат ҳокимияти тизимидаги ўрнини мустаҳкамлаш, қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг амалдаги механизмларини самарадорлигини ошириш ва энг муҳими ҳудудлар ва улардаги аҳоли билан тўғридан-тўғри ишлаш амалиётини кенг жорий қилиш каби вазифалар белгиланди.

Мазкур ислохотларни амалга ошириш учун парламент, умуман депутат ва сенаторлар фаолиятини сифатли ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, бунда **Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари**

---

<sup>1</sup><https://www.un.org/ru/sections/general/documents>

институтини фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, «Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтини парламентнинг истиқболли режа ва дастурларини ишлаб чиқадиган, бу жабҳадаги турли тақлифларни таҳлил қиладиган ва зарур тавсиялар берадиган илмий марказга айлантириш лозим<sup>2</sup>».

Шу билан бир қаторда, парламент фаолиятининг ташкилий, ахборот ва ахборот-таҳлилий, моддий-техника таъминотини амалга оширишда **парламент палаталари девонлари** фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг ташкилий тузилмасини ислоҳ қилиш ва фаолиятига илғор хорижий тажрибаларни татбиқ этиш ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида тайёрланган.

**Мавзунинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбекистонда парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг айрим жиҳатлари Р.Р. Ҳакимов, О.З. Мухамеджанов, Ф.Х. Отахонов, Х.Т. Одилқориев, И.Т. Тультеев, И.Р. Беков, П.А. Рустамов, Э.Х. Халилов, Х.И. Рузметов, А.Р. Акилов, Ш.Х. Зулфиқоров, Х.С.Хайитов, Ш.З. Ўразаев, А. Рахимов ва бошқа олимларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларда парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятига тааллуқли илмий изланишлар Э.П. Голенищев, И.В. Клименко, А.Д. Доржиев, Г.Б. Кысыкова, Д.А. Козлов, Е.А. Селиванова, И.В. Воробьев, А.И. Абрамова, В.А. Витушкин, Т.Я. Хабриева, Н.А. Власенко, Н.С. Волкова, С.А. Грачевалар ва бошқалар томонидан олиб борилган.

Хорижий мамлакатларда Стэфан Франшиц, Джон Лис (АҚШ), Стенли Кэмпбелл, Джин Лапорт (Франция), Вернер Блишк, Гидо Хайнен (Германия), Эмрах Хурма (Туркия), Дэн Халл (Ш.Ирландия) ва бошқалар томонидан парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш билан боғлиқ масалалар тадқиқ этилган<sup>3</sup>.

Лекин, юқорида номлари келтирилган олимларнинг олиб борган тадқиқотлари парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг айрим жиҳатларини таҳлил этишига қаратилган бўлиб, уларнинг ишларида парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тушунчаси, мақсади, босқичлари ва шакллари, ахборот-таҳлилий таъминловчи тадқиқот муассасалари ҳамда парламент палаталари девонлари фаолиятини янада такомиллаштиришга оид масалалар асосий ва мустақил тадқиқот объекти ҳисобланмаган.

---

<sup>2</sup> Ш.М. Мирзиёев, Янги Ўзбекистон стратегияси / "O'zbekiston" нашриёти, Т: – 87 б.

<sup>3</sup> Мазкур олимларнинг илмий ишлари диссертация ишининг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида берилган.

Қолаверса, мавзуга оид айрим ишларда 1990 йилларда шаклланган қонунчилик асосида тегишли масалаларни таҳлил этишга эътибор қаратилган. Мустақиллик йилларида шаклланган соҳага оид қонунчилик моҳиятидан келиб чиқиб илк маротаба мавзу докторлик диссертация доирасида ўрганишни талаб этмоқда. Шу нуқтаи назардан, Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашни такомиллаштиришга доир масалалар мазкур мавзу устида илмий тадқиқот олиб бориш ва таҳлил қилиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот мавзуси Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш шароитида давлат бошқарувини янада эркинлаштиришнинг асосий йўналишлари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқот мақсади** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тушунчасини очиқ бериш ва уни шаклларга ажратган ҳолда ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятида қўлланиладиган тамойиллар заруратини аниқлаш, таҳлил қилиш ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш;

хорижий мамлакатларда парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий асосларини ўрганиш ва мазкур амалиётни турларини аниқлаштириш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асосларини, шунингдек объекти ва субъектларининг ҳуқуқий табиатини таҳлил қилиш;

қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини амалга оширишнинг моҳиятини ва ҳуқуқий асосларини очиқ бериш;

Олий Мажлис палаталари фаолияти учун ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклифларни ишлаб чиқиш;

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати девонларининг парламент палаталарини ахборот-таҳлилий таъминлашдаги фаолиятини танқидий кўриб чиқиш, шунингдек янада такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** – Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ташкилий-ҳуқуқий масалаларини ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предметини** Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти ва бунда иштирокчи субъектлар фаолиятини тавсифловчи ғоялар, концепциялар, таълимот ва қарашлар, шунингдек норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўлловчи ва бошқа манбалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб боришда илмий билишнинг тизимли ва функционал таҳлил, тарихийлик, мантиқийлик, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, статистик, назарий моделлаштириш, индуктив ва дедуктив таҳлил каби усулларидадан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагиларда ифодаланади:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари лавозимини таъсис этиш, ушбу ўринбосар зиммасига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ахборот фаолиятини мувофиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш вазифалари юклатилиши асослаб берилган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Девонининг тузилмасида Парламент ахборот марказини ташкил этиш, унинг фаолиятини ахборот майдонида ижтимоий-иқтисодий ислохотларга жамоатчиликнинг муносабатини таҳлил қилиб, депутатларга етказишга йўналтиришнинг зарурати асослаб берилган ва ҳуқуқий асослари ишлаб чиқилган;

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг илмий хулосасини олиш амалиётини жорий қилиш бўйича зарур ҳуқуқий асослар ишлаб чиқилган ҳамда амалиётга жорий қилинган;

Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш ва унинг фаолиятини парламент аъзоларини қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини амалга оширишнинг замонавий услубларига, шунингдек ёрдамчи органлари ходимларини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг замонавий шаклларини ўқитишга қаратишнинг илмий асослари ишлаб чиқилган;

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ёки норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органининг қарорига кўра уларнинг илмий экспертизадан ўтказилиши долзарблиги асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

Олий Мажлис палаталарини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятининг асосий тамойиллари таҳлиллар ва халқаро ташкилотлар тавсиялари асосида ишлаб чиқилиб, уларни қонунчиликка жорий қилиш чоралари ёритилган;

парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий жиҳатдан миллий ва хорижий мамлакатлар парламентлари тажрибаси асосида турларга ажратилиб, уларнинг бўйсунув нуктаи назардан фаолияти аниқлаштирилган;



парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятининг объект ва субъектларининг ҳуқуқий табиати ўрганилиб, уларнинг ҳуқуқий мақомини такомиллаштириш бўйича қонуний чоралар назарда тутилган;

Ўзбекистон парламентини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти бўйича ҳуқуқий асослар ривожланиш босқичлари уч босқичга ажратилган ҳолда кўриб чиқилган ва ҳар бир босқичда парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти бўйича ўтказилган ислоҳотлар бирма-бир илмий таҳлил қилиниб, уларнинг моҳияти ёритиб берилган;

парламент фаолияти учун ахборот-таҳлилий маълумотномаларнинг мақсади, тузилиши, уни тайёрлаш усуллари, унга қўйиладиган талабларнинг мазмун-моҳияти юзасидан илмий асосланган хулосалар берилди, мазкур жараён учун вақтни самарали ташкил этиш масалалари амалий мисоллар ёрдамида илмий ва график-таҳлил ўтказилиб, унинг оптимал варианты аниқланган;

қонун лойиҳаларининг илмий экспертизасини ўтказишнинг илмий-амалий асослари таҳлил қилинган, унинг объектлари ва субъектлари турларга ажратилган, қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасига муаллифлик таърифи берилган;

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланиши зарурати асосланиб, тегишли қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

парламентни ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётида унинг тамойилларини қонунчилик ҳужжатида жорий қилишнинг ҳуқуқий асослари таҳлиллар асосида ёритиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган илмий-назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, халқаро тажриба ва миллий қонунчилик нормаларининг ўзаро таҳлил қилингани, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, натижаларнинг етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилингани, ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти ундаги илмий-назарий хулосалар, таклиф ва тавсиялардан келгуси илмий фаолиятда, қонун ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, соҳага оид қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлашда, миллий қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда «Конституциявий ҳуқуқ», «Давлат ва ҳуқуқ назарияси» ва «Парламент ҳуқуқи» фанларини ўқитиш ҳамда илмий-назарий жиҳатдан янада бойитишда фойдаланиш мумкинлигида намоён бўлади. Тадқиқот ишининг назарий жиҳатларига таяниш келгусида парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ мавзуларда янги илмий тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Тадқиқот иши натижасида ишлаб чиқилган амалий тавсия ва хулосалардан Олий Мажлис палаталари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, ҳуқуқни қўллаш амалиётини

такомиллаштиришда, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги олий юридик таълим ташкилотларида, Олий Мажлис палаталари девонлари ходимлари учун ташкил этиладиган ўқув семинарлари ва тренингларда, ўқув ва услубий қўлланмалар тайёрлашда ҳамда Олий Мажлис палаталари девонлари ва Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалар:

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ахборот фаолиятини мувофиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш бўйича ўринбосари лавозимини таъсис этиш, ушбу ўринбосар зиммасига Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ахборот фаолиятини мувофиқлаштириш ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш вазифалари юклатилишига оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2021 йил 23 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимини таъсис этиш тўғрисида»ги Қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг 2021 йил 16 апрелдаги 03-1/438-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг реализация қилиниши парламентнинг ахборот сиёсати бўйича фаолиятини йўлга қўйишга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девонининг тузилмасида 10 та штат бирлигидан иборат Парламент ахборот марказини ташкил этиш таклифи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Кенгашининг 2021 йил 2 мартда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг 2021 йил 19 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Девонининг фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 709–IV-сонли Қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 771–IV-сонли қўшма қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг 2021 йил 16 апрелдаги 03-1/438-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг амалиётга жорий қилиниши ахборот майдонида парламент фаолияти учун зарур, шунингдек у томонидан муносабат билдирилиши шарт бўлган маълумотларни мониторинг қилиш, зарурларини таҳлил қилиш ва депутатларга етказиш, шу орқали бу йўналишда доимий ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилган;

Қонунчилик палатасига киритилган ҳар бир қонун лойиҳаси юзасидан Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг илмий хулосасини олиш амалиётини кенг жорий қилиш бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2020 йил 25 сентябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг айрим Қўшма Қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 480–IV/КҚ-131–IV-сонли Қўшма қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси девонининг 2021 йил 16 апрелдаги 03-1/438-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг жорий қилиниши ҳар бир қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда илмий ёндашувни шакллантириш, илмий асосланган қонунларни қабул қилиш амалиётини йўлга қўйишга хизмат қилган;

Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тузилмасида парламентаризмни ривожлантириш бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ўқув марказини ташкил этиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартдаги «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ – 5953-сон Фармонида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 25 февралдаги 10-2-785-сон маълумоти). Мазкур таклифнинг реализация қилиниши депутатлар ва сенаторларга замонавий қонун ижодкорлиги ва парламент назорати шакллари амалга ошириш услубларини ўқитиш, парламент девонлари ходимларининг ахборот-таҳлилий таъминлаш бўйича малакасини ошириш бўйича тизимли малака курслари йўлга қўйилишига хизмат қилган;

қонун лойиҳаларини ишлаб чиқувчи ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган давлат органининг қарорига кўра илмий экспертизадан ўтказилиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда унинг ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш предметига тааллуқли илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганиш ва уларнинг мутахассислар муҳокамаси тегишли илмий-тадқиқот муассасаларининг вакиллари иштирокида ўтказилиши амалиётини йўлга қўйиш бўйича таклифлар 2021 йил 20 апрель куни қабул қилинган «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги ЎРҚ-682-сон Қонун лойиҳасида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг 2021 йил 24 апрелдаги 06/1-05/2134-сонли далолатномаси). Ушбу таклифнинг жорий қилиниши қонун лойиҳаларини ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларини ишлаб чиқишда илмий тадқиқотлар натижаларини ўрганиш ва илмий доира вакиллари иштирокини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини яратишга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро илмий-амалий конференция ва давра суҳбатларида муҳокама қилинган ҳамда 6 та илмий тўпламларда нашр этилиб, синовдан ўтган.

### **Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.**

Тадқиқот мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола (1 таси хорижий нашрда), шу жумладан 2 та халқаро конференция тўпламларида нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 155 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан алоқаси, унинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилиниши, апробацияси, натижаларнинг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг аҳамияти ва зарурати**» деб номланиб, унда Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тушунчаси, шакллари, тамойиллари ва хорижий мамлакатларда парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий асослари таҳлил қилинган.

Диссертант «ахборот» ва «ахборот-таҳлилий таъминлаш» тушунчалари, уларнинг моҳияти, ушбу тушунчаларни тушуниш билан боғлиқ илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш орқали уларни юридик тушуниш билан боғлиқ турли назарий қарашлар таҳлилинини ўтказиш зарурлигини кайд этган.

Тадқиқотчининг қайд этишича, ахборот-таҳлилий таъминлаш масаласини қонун ижодкорлиги ва парламент назоратини, умуман, парламент палаталари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда қонунларнинг пухта ва илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилишининг муҳим шарт сифатида кўриш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертант юридик адабиётларда ҳуқуқшунос олимлар ва тадқиқотчилар (П.А. Рустамов, Д.А. Козлов, О.Л. Голицина, Э.П. Голенищев, И.В. Клименко) томонидан ахборот-таҳлилий таъминлашга оид қарашларни таҳлил қилган ҳолда, **Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш** ҳам ҳуқуқий ва илмий асосланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда депутат ва сенаторлар фаолиятига яқиндан кўмаклашиш, шунингдек, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни қонунлар орқали

ривожлантириш бўйича таклифларни тайёрлаш учун маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тизими, деган нуктаи назарни илгари суради.

Тадқиқотчи амалдаги қонунчилик нормаларини таҳлил қилиб, шунингдек бугунги кунга қадар шаклланган амалиётдан келиб чиқиб, шартли равишда Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашни **ташкилий, ҳуқуқий ва илмий-ҳуқуқий** шаклларга ажратилади, деган хулосага келган.

Тадқиқотчининг фикрича, Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг **ташкилий шакли** Қонунчилик палатаси ва Сенат девонларининг таркибий тузилмалари (юридик бошқармалардан ташқари) фаолияти билан боғлиқ бўлган, парламентнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунчилигида белгиланган ваколатлари амалга оширилишини ташкилий ва ахборот-таҳлилий таъминлашда, назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда ва умуман, парламент фаолиятини замонавий ахборот технологиялари билан таъминлашда ифодаланадиган фаолиятдир.

Диссертант олим П.А.Рустамовнинг ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ҳуқуқий шакли 2 усул – қонунчилик ҳужжатларини рўйхатини юритиш ҳамда қонун лойиҳаларини илмий-ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш орқали амалга оширилади деган қарашини бугунги кундаги қонунчилик нормалари билан таққослаб, юридик бошқармаларнинг ваколат ва вазифалари олимнинг таъкидлаганидан кенгрок, деган фикрга келган.

Тадқиқотчи бир қатор назарий қарашлар ва ҳуқуқшунос олимлар фикрини таҳлил қилган ҳолда **Олий Мажлис палаталарини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ҳуқуқий шакли** – бу Олий Мажлис палаталари девонлари юридик бошқармаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва қонун лойиҳаларини маромига етказиш (Қонунчилик палатаси томонидан), қонун лойиҳалари, палаталар ва улар кенгашлари қарорлари лойиҳалари, мурожаатлари, парламент сўровлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган маълумотнома ва ахборот материалларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир, деган муаллифлик таърифини илгари суради.

Қонун ижодкорлиги жараёни илмий асосланган, фан ютуқларини ўзида акс этган бўлиши ва қонун ҳужжатлари билан ҳал этилиши мумкин бўлган соҳанинг назарий муаммоларига таяниши лозим. Шундан келиб чиқиб, тадқиқотчи парламентни **ахборот-таҳлилий таъминлашнинг илмий-ҳуқуқий шакли**нинг моҳияти қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқшунос-олимлар томонидан илмий хулосаларни бериш ва ваколатли илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қонунларнинг илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишда намоён бўлади ҳамда Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ва бошқа илмий тадқиқот муассасалари томонидан амалга оширилади, деб ҳисоблайди.

Тадқиқотчи Л.В. Мардахаев, К. Каннинхэм, А.Р. Кананян, В.Н. Плигин каби Европа ва АҚШ ҳуқуқшунос олимлари, шунингдек Кутубхоналар

ассоциациялари халқаро федерацияси (IFLA) томонидан илгари сурилган **парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тамойиллари** бўйича ғояларининг ҳар бирини таҳлил қилиб, тамойилларнинг моҳияти унда жамланган қоидалар асосида муайян ҳаракат (ёки ҳолат) амалга оширилади ва мазкур қоидалар ҳаракат (ёки ҳолат)нинг ўзагини ташкил қилишда ифодаланади, деган фикрга келган.

Шу билан бир қаторда, диссертант парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг 6 та – мустақиллик, аниқ мақсадга йўналганлик, тизимлилик, долзарблик, ишончлилик ва бетарафлик тамойилларини жорий қилишни ва буни қонунчиликда акс эттириш мақсадида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти тўғрисидаги низомни қуйидаги мазмундаги 2<sup>1</sup> банд билан тўлдиришни таклиф қилади:

*«Институтнинг илмий ходимлари ўз фаолиятларини мустақиллик, аниқ мақсадга йўналганлик, тизимлилик, долзарблик, ишончлилик ва бетарафлик тамойиллари асосида ташкил этадилар».*

Диссертант **АҚШ, Германия, Буюк Британия, Корея, Япония, Туркия, Австрия, Испания, Италия, Бразилия, Кипр, Чехия, Словакия** ва **Таиланд** каби илғор хорижий мамлакатларнинг парламентлари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ташкилий асосларини ўрганиб, шундай хулосага келганки, ташкилий тузилма нуқтаи назаридан тадқиқот институтларини 2 та турга бўлиш мумкин.

Тадқиқотчининг фикрича, баъзилари парламент тузилмасининг бир қисми нуқтаи назаридан **«ички»**, бошқалари эса мустақил ташкилот бўлганлиги сабабли парламент учун **«ташки»** тузилмалар ҳисобланади. Мисол учун, Греция, Кипр, Словакия, Туркия, Германия, Корея, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Бразилия парламентлари тадқиқот хизматлари уларнинг таркибида бўлганлиги сабабли **«ички»** парламент институтларининг намуналари ҳисобланади. Испания ва Италияда парламент палаталари шартнома асосида тадқиқот институтларидан фойдаланиши амалиётидан келиб чиқиб, бундай турдаги институтларни **«ташки»** тузилмалар турига киритса бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий масалалари»** деб номланиб, унда Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асослари, объекти ва субъектлари ҳуқуқий табиатининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлиliga, шунингдек қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий масалаларига бағишланган.

Тадқиқотчи Ўзбекистоннинг янги тарихидаги вакиллик органини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асослари ривожланиши босқичларини таҳлил қилишда олимлар Р.Ҳакимов ва Э.Халиловнинг мустақил Ўзбекистон парламенти шаклланиши босқичлари бўйича хулосаларига таянган ҳолда уч босқичга бўлиб таҳлил қилган.

Унга кўра, **биринчи босқич 1991-2005 йилларни ўз ичига қамраб** олади. Мазкур босқичнинг дастлабки йилларида парламент фаолиятини

ахборот-таҳлилий таъминлаш вазифаси Олий Кенгашнинг Котибиятига юклатилиб, ҳуқуқий асослари Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсатининг 1991 йилнинг 10 октябрдаги № 370-ХП-сон қарорида назарда тутилган.

Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бора шаклланган янги парламент – Олий Мажлис фаолиятининг ҳуқуқий мақоми янгича ёндашув асосида ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонун билан белгиланди. Мазкур ҳужжатда ҳам парламентни ахборот-таҳлилий таъминлаш бўйича асосий вазифалар Олий Мажлис Котибиятига ва унинг тимсолида Умумий бўлим, Қўмиталар билан ишлаш бўлими, Юридик бўлим, Парламентлараро алоқалар бўлими, Матбуот ва таржималар бўлимига юклатилди. **Олий Мажлис Раисининг 1997 йил 6 февралдаги 18-сонли Фармойиши билан** Олий Мажлис Котибияти таркибида Назорат-таҳлил ва ташкилий-ҳуқуқий ишлар бўлими ташкил этилди.

Диссертант 1996 йил 3 декабрда **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг № 322-І-сон Қарори** билан Олий Мажлис ҳузурида Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти фаолиятининг йўлга қўйилганини миллий парламентимизни ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асослари ривожланиши тарихидаги яна бир муҳим қадамлардан бири, деб ҳисоблайди. Гарчи мазкур институт Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 апрелдаги ПФ-3590-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурига ўтказилган бўлсада, 8 йиллик фаолиятида миллий парламентнинг ҳақиқий ёрдамчи органига айланиб, икки палатали парламент шаклланишидаги иштироки билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Тадқиқотчи парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асослари ривожланиши бўйича **иккинчи босқич (2005-2017 йиллар)** Олий Мажлисининг икки палатали бўлиб шаклланиши билан бевосита боғлиқлигига урғу беради. Унинг фикрига кўра, бу босқичда Қонунчилик палатаси ва Сенат фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш уларнинг «девон» номи остида қайта ташкил этилган котибиятлари томонидан амалга оширилган. Девонларнинг ҳуқуқий мақоми эса, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги қонунларда, парламент палаталари томонидан тасдиқланган низомларда назарда тутилган.

Диссертантнинг таъкидлашича, Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг ҳуқуқий асослари ривожланиш бўйича **учинчи босқич (2017 йилдан ҳозирга қадар)** том маънода парламентимизнинг давлат ҳокимияти ва бошқарувидаги ролининг янада ошиши билан боғлиқдир. Шунингдек, мазкур босқичнинг энг аҳамиятли жиҳатлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев ташаббуслари асосида ташкил этилган Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Қонунчилик палатаси девони таркибида **Давлат бюджети бошқармаси, Парламент ахборот хизмати, Сенат девони**

таркибида **Давлат бюджети, пул-кредит сиёсати ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш бошқармаси**, парламент палаталарида юридик бошқармалар фаолияти белгиланади.

Тадқиқотчи парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиётининг **ҳуқуқий асосларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки турда таснифлаб**, булар Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳисобланади, деган тўхтамга келган.

Ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятининг объекти ва субъектларининг ҳуқуқий табиатини аниқлашда Д.А. Козлов, П.А. Рустамов, Ю.В. Курносов ва П.Ю. Конотопов каби олимлар билан илмий баҳсга киришилиб, улар бўйича илмий ва ҳуқуқий таклифлар илгари сурилган. Жумладан, диссертант Д.А. Козловнинг қонунчилик жараёнини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг объекти сифатида тадқиқ этилаётган масаланинг ўзи, П.А. Рустамовнинг эса, умуман турли манбалардан қабул қилинадиган ахборотни мазкур жараённинг объекти, деган фикрлари баҳсли эканлигига урғу бериб, қонунчилик таҳлили асосида Олий Мажлис палаталари, уларнинг органлари, шунингдек парламент депутатлари ва сенаторлари фаолияти ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятининг объекти, деб таъкидлаган.


Диссертантнинг фикрича, **парламентни ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятининг объектини 2 мезонга кўра – мақомига** (Олий Мажлис палаталари ва уларнинг номидан кўмиталар, комиссиялар, сиёсий партиялар фракциялари) ва фаолиятини узлуксизлик тамойилига асосан доимий ахборот-таҳлилий таъминлашга (депутатлар ва сенаторлар) кўра турларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Ҳуқуқ назариясида россиялик олимлар Ю.В. Курносов, П.Ю. Конотопов ўз тадқиқотларида ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолияти субъекти сифатида муайян индивид ҳам, коллектив (жамоа) ҳам бўлиши мумкинлигини, уларнинг субъект сифатида бирламчи номланиши эса фақатгина умумий мақсад – объектни ахборот-таҳлилий таъминлаш асосида юзага келишини қайд этади. Олим Д.А. Козлов эса, бошқарув соҳасида ахборот-таҳлилий таъминлаш субъектларини ташаббускорлик асосида таҳлил қилувчи ва бошқарув соҳасида қарор қабул қилувчиларнинг буюртмаси асосида таҳлил қилувчи турларига ажратади. Тадқиқотчи юқорида номлари зикр этилган олимлар ахборот-таҳлилий таъминлаш субъектларини ўзларининг илмий тадқиқот ишлари мавзусидан келиб чиқиб, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг сони, ташаббускорлик ва бўйсунув тамойиллари асосида таснифлаган, деб ҳисоблайди. Шу билан бир қаторда, тадқиқотчи **ахборот-таҳлилий таъминлашнинг субъектлари бўйича қуйидаги муаллифлик таснифини илгари суради – асосий субъект** (Олий Мажлис палаталари девонлари), **махсус субъект** (Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти), **ёрдамчи субъект** (Олий Мажлис палаталари кўмиталари ҳузуридаги экспертлик гуруҳлари).

Тадқиқотчи, 84 та депутат ва сенаторлар ўртасида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳуқуқий мақомини



қонунда белгилаш бўйича сўровнома ўтказган. Сўровнома натижалари эса, 1-расмга мувофиқ кўриниш олган.



*1-расм. Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳуқуқий мақоми қонунда белгилаш бўйича сўровнома натижалари.*


Сўровнома яқунларига мувофиқ, «**ҳуқуқий мақоми қонуности ҳужжатларида мавжудлиги сабабли бунга ҳожат йўқ**» ва «**ҳуқуқий мақоми қонунда ўз аксини топиши керак**» деган жавоблар бир хил кўрсаткичга эга бўлиб турибди. Лекин, тадқиқотчи Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминловчи махсус субъект – Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг ҳуқуқий мақоми қонун даражасида белгиланмаганлиги мазкур ташкилот фаолиятининг ҳуқуқий табиатини тавсифлашда тушунмовчиликларга сабаб бўлиши мумкин, деб ҳисоблайди ва шунинг учун, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати тўғрисида»ги қонунларнинг тегишли бобларини Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти фаолиятига оид моддани киритишни таклиф қилади.

Диссертант қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш юзасидан Х.С. Хайитов, Ш.З. Ўразаев, А.В. Кудашкин, А.С. Пиголкин, Т.Н. Рахманина каби олимларнинг илмий ишларини таҳлил қилиб, **қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизаси** тушунчасига муаллифлик таърифини берган.

Хусусан, дастлабки экспертиза қонун лойиҳасини қонун чиқарувчи органга киритилишидан аввал, яъни қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари доирасида ўтказилади. Бошланғич экспертиза, лойиҳанинг дастлабки тарзда муҳокама қилиш босқичида амалга оширилиб, унинг амал қилиш доираси, мақсадлари ва қонунчилик тизимидаги ўрни, шунингдек унинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги, илмий асослантилганлиги ўрганилади. Якуний экспертиза лойиҳа парламент мажлисларида муҳокама қилиш жараёнида ёки қабул қилиш пайтида амалга оширилиши мумкин.

Тадқиқотчининг фикрича, илмий-ҳуқуқий экспертизани ўтказишнинг иккинчи асосий мақсади қонун лойиҳасининг илмий асослантилганлиги даражасини аниқлаш, қабул қилиниши таклиф этилаётган қонуннинг амал


қилиш доираси ва унинг қонунчилик тизимидаги ўрнини аниқлаш ва лойиҳанинг қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлигини текширишда ифодаланади. Шу билан бир қаторда, тадқиқотчи қонун лойиҳалари бўйича мажбурий илмий-ҳуқуқий экспертиза ўтказилишининг заруратини 96 та депутат ва сенаторлар, етакчи ташкилотлар ҳуқуқшунослари ўртасида ўтказган сўровномаси билан ҳам асослайди. Сўровнома натижалари 2-расмга мувофиқ кўриниш олган.



2-расм. Қонун лойиҳаларининг илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказилишининг зарурати юзасидан ўтказилган сўровнома натижалари.

Диссертациянинг учинчи боби «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш амалиёти ва институционал асосларини такомиллаштириш» деб номланиб, унда парламент палаталари фаолияти учун ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш амалиёти самарадорлигини ошириш, Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институтининг фаолиятини такомиллаштириш ҳамда Олий Мажлис палаталари девонларининг парламент палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашдаги ролини янада ошириш истиқболлари таҳлил қилиниб, таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотчи ахборот-таҳлилий маълумотномаларни тайёрлаш амалиётида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраевнинг сўрови асосида тайёрланган маълумотнома бўйича иш жараёнини таҳлил қилган. Хусусан, 13 бетли ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш учун ўртача 15-16 соат (48 фоиз) бевосита сарфланганига, иш жараёни доирасида тайёрланган ахборот-таҳлилий маълумотномани яқуний босқичда таҳрир қилиш учун 3 соат (9 фоиз), раҳбарият билан келишиш ва расмийлаштириш учун эса, 2 соат (6 фоиз) вақт сарфланганига гувоҳ бўлган ва бу жараённи 3-расмдаги график кўринишида тасвирлаган.



3-расм. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Қ.Жўраевнинг сўрови асосида тайёрланган маълумотнома бўйича иш жараёни таҳлили.

Мазкур диаграммани кўриб, хулоса қилиш мумкинки, маълумотларни излаш учун сарфланган вақт ходимнинг шахсий маълумотлар базаси мавжуд эмаслигидан далолат беради. Мазкур ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаган ходим эса, мазкур йўналишдаги тадқиқот-таҳлил ишлари билан шуғулланмаган.

Диссертантнинг фикрича, ахборот-таҳлилий маълумотномани тайёрлаш жараёнида маълумотларни қидириш ва таҳлил қилиш учун сарфланадиган вақтнинг ўзаро нисбати 1:4 кўринишида бўлсагина, сарфланган вақт тузилишини оптимал деса бўлади ва бу ўзаро нисбат ходимнинг муайян масалага йўналтирилган вазифани бажариши учун лозим бўлган дастлабки маълумотлар базаси мавжуд бўлган тақдирдагина бўлиши мумкин. Бунинг учун, энг аввало, идоралараро маълумотлар алмашинуви жараёнига энг замонавий ахборот технологияларни жорий қилиш, дунёнинг энг машхур университетларининг электрон кутубхоналарига тезкор уланиш имкониятини яратиш лозим.

Шу билан бир қаторда, таҳлилий маълумотномани тайёрлаш жараёнида омма учун тақдим қилинадиган ва уни қайта текшириш имконияти юқори бўлган очик маълумотлардан фойдаланиш, ҳавола аппарати қоидаларига қатъий риоя қилиш, маълумотлар қисқа ва аниқ ёритилиши, белгиланган йўналиш доирасидан четга чиқмаслигини таъминлаш, шунингдек матннинг содда ва тушунарли адабий тилда ёзилиши лозимлиги қайд этилади.

Диссертант жорий амалиёт таҳлилини ўтказган ҳолда Олий Мажлис палаталари фаолияти учун ахборот-таҳлилий ҳужжатларни тайёрлаш 10 босқичда амалга оширилади, деган хулосага келган ва мазкур кетма-кетлик шартли характерга эгаллигини таъкидлаган.

Тадқиқот ишининг мазкур боби доирасида Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Олий Мажлис палаталари девонлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида жорий амалиёт ва қонунчилик таҳлили ўтказилиб, уларнинг институционал асосларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган. Жумладан, Олий Мажлис палаталари девонлари фаолиятига оид қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилган.

## ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш парламент ҳуқуқи фани нуқтаи назаридан тадқиқ этиш ҳамда тадқиқот олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш натижалари қуйидаги илмий-амалий хулосаларга келишга, шунингдек қонунчиликни такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсияларни илгари суришга имкон беради.

### **Илмий-назарий хулосалар:**

1. Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш тушунчаси илмий-назарий жиҳатдан таҳлил этилиб, қуйидаги муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди:

**«Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлаш** – бу ҳуқуқий ва илмий асосланган қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда, таъсирчан парламент назоратини ва самарали вакиллик функцияларини амалга оширишда депутат ва сенаторлар фаолиятига яқиндан қўмаклашиш, шунингдек, жамиятимизнинг барча соҳаларидаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни қонунлар орқали ривожлантириш, амалдаги қонунларнинг ижроси устидан вакиллик органи назоратини кучайтиришга оид таклифларни тайёрлаш мақсадида маълумотларни олиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан самарали фойдаланишни ташкил этиш тизимидир».

2. Парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашни 3 шаклга – ташкилий, ҳуқуқий ва илмий шаклларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг **ташкилий шакли** – бу Қонунчилик палатаси ва Сенат девонларининг таркибий тузилмалари (юримдик бошқармалардан ташқари)нинг иш жараёни билан боғлиқ бўлган, парламентнинг Конституция ва қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатларини амалга оширилишини ташкилий ва ахборот-таҳлилий таъминлашда, назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширишда, шунингдек, парламент фаолиятида замонавий ахборот технологияларини жорий қилишда ифодаланадиган фаолиятдир.

Олий Мажлис палаталарини **ахборот-таҳлилий таъминлашнинг ҳуқуқий шакли** – бу палаталар девонлари юримдик бошқармаларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни рўйхатдан ўтказиш ва қонун лойиҳаларини маромига етказиш (Қонунчилик палатаси томонидан), қонун лойиҳалари, палаталар ва улар кенгашлари қарорлари лойиҳалари, мурожаатлари, парламент сўровлари лойиҳаларини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ҳуқуқий хусусиятга эга бўлган маълумотнома ва ахборот материалларини тайёрлаш билан боғлиқ бўлган фаолиятдир.

Олий Мажлис палаталари фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминлашнинг **илмий шакли** – бу қонун ҳужжатлари бўйича ҳуқуқшунос-олимлар томонидан **илмий хулосаларни бериш** ва ваколатли илмий-тадқиқот муассасалари томонидан қонунларнинг **илмий-ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш** билан боғлиқ бўлган фаолиятдир.

3. Олий Мажлис палаталарини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятини мустақиллик тамойили, аниқ мақсадга йўналганлик тамойили, тизимлилик тамойили, долзарблик тамойили, ишончлилик тамойили ва бетарафлик тамойили асосида амалга оширишни қонуний мустаҳкамлаш таклиф этилади.

**Мустақиллик тамойили** илмий ходимларнинг муайян масала юзасидан таҳлил ўтказишида ҳеч қандай аралашувсиз фақатгина ўзининг нуқтаи назарини мустақил баён этишида ифодаланади.

**Аниқ мақсадга йўналганлик тамойили** шуни англатадики, парламентни ахборот-таҳлилий таъминлашда субъектларнинг фаолияти муайян масалани таҳлил қилишга ва унинг натижасида аниқ бир соҳа ёки йўналишдаги ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларни ижобий томонга ўзгартириш ва такомиллаштиришга йўналтирилиши лозим.

**Тизимлилик тамойили** таҳлил ўтказилаётган масалага илмий ходим томонидан комплекс ёндошув асосида масаланинг ижтимоий муносабатлардаги ўрни, роли ва бошқа бир қатор омиллар билан боғлиқлиги бўйича барча жиҳатлари кетма-кетликда очиқ берилишини назарда тутади.

**Долзарблик тамойили** депутат ёки сенатор фаолияти учун ташаббускорлик асосида тайёрланаётган ахборот-таҳлилий маълумотномаларда кўтарилаётган масалалар ўша муддат учун жуда муҳим аҳамият касб этиши ва амалиётда унинг ечимига бўлган эҳтиёжлар юқори даражага эга бўлиши билан изоҳланади.

**Ишончлилик тамойили**да, таҳлилий маълумотномада қўлланилаётган ҳар бир маълумот ишончли манбалардан олинishi, шунингдек уларнинг амалиётдаги мавжуд муаммолар моҳиятига мувофиқ келишини қайта текшириш назарда тутилади.

**Бетарафлик тамойили** таҳлил натижаси бўйича тайёрланган таклифларни муайян манфаатларга хизмат қилишдан йироқ тутади. Шунинг учун, ходим масалани ёритиш ва таҳлил қилиш жараёнида турли хил ёндашувларни ўрганиши ҳамда ўз ишида бир қанча нуқтаи назарларни келтириши лозим бўлади. Бунинг натижасида фикрлар хилма-хиллиги таъминланиб, масала юзасидан ягона ёндашув шаклланади.

Мазкур тамойиллар Кутубхоналар ассоциациялари халқаро федерацияси (IFLA)нинг илғор хорижий мамлакатлар парламентларини ахборот-таҳлилий таъминлаш фаолиятида қўлланилган тамойилларнинг таҳлилидан келиб чиққан тавсияларига мувофиқ келади.

4. Хорижий мамлакатлар парламентлари ва миллий парламент амалиётидан келиб чиқиб, парламент фаолиятини ахборот-таҳлилий таъминловчи субъектларнинг ташкилий тузилмаси нуқтаи назаридан тадқиқот институтларини қуйидаги иккита турга бўлиш таклиф этилади:

**а) «ички»** (*Греция, Кипр, Словакия, Туркия, Германия, Корея, Япония, АҚШ, Буюк Британия, Бразилия парламентлари тадқиқот хизматлари уларнинг таркибида бўлганлиги сабабли*);

